

## IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2020 йил январь–март ойларида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми миллий валютада 1 724,7 млрд. сўмни (АҚШ доллари эквивалентидаги ҳажми 0,18 миллиард АҚШ долларини) ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 104,8 фоизни ташкил қилди.


### Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши (2020 йил январь–март)

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	якунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>1 724,7</b>	<b>104,8</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан</i>			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>119,1</b>	<b>73,8</b>	<b>6,9</b>
бюджет маблағлари	91,3	59,6	5,3
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	7,5	117,2	0,4
хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	20,3	13,1 т	1,2
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>1 605,6</b>	<b>108,2</b>	<b>93,1</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	384,0	101,1	22,3
ахоли маблағлари	338,2	113,4	19,6
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	526,4	115,7	30,5
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	357,0	101,6	20,7


Давлат бюджетидан ажратилган инвестициялар ижтимоий соҳани ва ҳаётий таъминот тизимини қўллаб қувватлашга, Фарғона вилояти инфраструктурасини ривожлантиришга каратилган манзилли инвестиция дастурларини амалга ошириш учун йўналтирилган.

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва  
марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари**  
(январь-март, фоиз ҳисобида)

**2019 й.**




**2020 й.**




**Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш  
манбалари**

(январь-март жами инвестициялар ҳажмидағы улуси, %да)




**Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва  
марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари**  
(январь-март, млрд.сумда)



Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари хисобидан киритилган жами инвестициялар 119,1 млрд сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 26,2 % га камайган (умумий ҳажмдаги улуши 6,9%), шундан бюджет маблағлари 91,3 млрд сўмни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 40,4 % га камайган (умумий ҳажмдаги улуши 5,3%), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси 7,5 млрд сўмни ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар 20,3 млрд сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 13,1 мартани ташкил этганини таъкидлаш лозим.

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбалари**  
(январь-март жами инвестициялар ҳажмидаги улуши, %да)



Асосий капиталга кирилган инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан кирилган жами инвестициялар 1 605,6 млрд сўмни ташкил этди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 108,2% ни (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 93,1%) ташкил этди. Шундан жами инвестициялар ҳажмида энг кўп улуш тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига тўғри келиб, 546,7 млрд сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 119,8 % га ошган (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 31,7%), корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига ўзлаштирилган инвестициялар 384,0 млрд сўмни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 101,1% ни (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 22,3%) ташкил этди, 338,2 млрд сўм аҳоли маблағлари ҳисобига ўзлаштирилган инвестициялар бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 113,4%ни (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 19,6%) ташкил этди. Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари 357,0 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 101,6% ни (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 20,7%) ташкил этди.

**2020 йилнинг январь-март ойларида асосий капиталга инвестициялар  
молиялаштириш манбаларининг мулкчилик шакли  
бўйича таҳсиланиши**

	<b>Жами</b>	<i>шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:</i>	
		<i>давлат</i>	<i>нодавлат</i>
<b>Жами инвестициялар, млрд.сўм</b>	<b>1 724,7</b>	<b>175,0</b>	<b>1 549,6</b>
<i>шу жумладан молиялаштириши манбалари бўйича:</i>			
давлат бюджети маблағлари	91,3	66,5	24,8
давлат мақсадли жамғармалари маблағлари	7,5	-	7,5
корхоналар ва аҳоли маблағлари	722,2	83,7	638,5
чет эл инвестициялари ва кредитлари	546,7	16,6	530,0
банк кредитлари ва бошқа карз маблағлари	357,0	-	357,0
болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	-	-	-


**Иқтисодий фаолият турлари бўйича  
асосий капиталга киритилган инвестициялар**

	<b>Январь–март</b>			
	<b>2019 й.</b>	<b>Умумий ҳажсмага нисбатан фоизда</b>	<b>2020 й.</b>	<b>Умумий ҳажсмага нисбатан фоизда</b>
<b>Жами, млрд.сўм</b>	<b>1 421,0</b>	<b>100,0</b>	<b>1 724,7</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича:</i>				
кишлопқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	165,2	11,6	202,4	11,7
тоғ–кон саноати	262,9	18,5	70,3	4,1
кайта ишлиш саноати	177,6	12,5	733,6	42,5
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	30,2	2,1	25,0	1,4
сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йифиш ва утилизация қилиш	15,0	1,1	9,6	0,6
қурилиш	32,8	2,3	60,6	3,5
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	64,9	4,6	102,0	5,9
ташиш ва сақлаш	55,0	3,9	52,0	3,0
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	14,2	1,0	22,4	1,3
ахборот ва алоқа	1,3	0,1	27,0	1,6
молиявий ва суғурта фаолияти	21,8	1,5	10,1	0,6
профессионал, илмий ва техник фаолият	16,3	1,2	8,9	0,5
таълим	82,4	5,8	57,6	3,3
соғликни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	42,6	3,0	40,8	2,4
бошқа иқтисодий фаолият турларидан ташқари: турар – жой бинолари қурилишига инвестициялар	367,2	25,8	223,8	13,0
санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	13,1	0,9	11,3	0,7
бошқа фаолият турлари	58,5	4,1	67,3	3,9

Иқтисодий фаолият турлари бўйича тоғ-кон саноатида – 70,3 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмида 4,1 фоиз), шундан хом нефть ва табиий газ қазиб олиш – 1,2 млрд. сўм, қайта ишлаш саноатида – 733,6 млрд. сўм, (42,5 фоиз) шундан озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари – 22,1 млрд. сўм (1,3 фоиз), тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим – 138,6 млрд. сўм (8,0 фоиз), кимё маҳсулотлари – 61,2 млрд. сўм (3,5 фоиз), нометалл минерал маҳсулотлар – 370,7 млрд. сўм (21,5 фоиз), металлургия – 9,7 млрд. сўм, электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 25,0 млрд. сўм (1,4 фоиз), қурилиш – 60,6 млрд. сўм (3,5 фоиз), ташиш ва сақлаш – 52,0 млрд. сўм (3,0 фоиз), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш – 102,0 млрд. сўм (5,9 фоиз), ахборот ва алоқа – 27,0 млрд. сўм (1,6 фоиз), профессионал, илмий ва техник фаолият – 8,9 млрд. сўм (0,5 фоиз), таълим – 57,7 млрд. сўм (3,3 фоиз), бошқа иқтисодий фаолият турларидан ташқари турар жой бинолари қурилишига – 223,8 млрд. сўмлик (13,0 фоиз) инвестициялар ўзлаштирилди.

### **Киритилган инвестицияларда катта улушга эга бўлган соҳалар**

(январь-март ҳолатига, умумий ҳажмга нисбатан фоизда)



## **Асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар.**


2020 йил январь–март ойларида асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий ҳажми 546,7 млрд.сўм бўлиб, 57,4 млн. АҚШ доллари ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 119,8 % ўсишга эришилди. Жами хорижий инвестициялар 343,5 млрд. сўм бўлиб, 36,0 млн. АҚШ долларини ташкил этди, шундан 322,9 млрд. сўм тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўлиб, 33,9 млн. АҚШ долларини, бошқа хорижий инвестициялар 20,6 млрд.сўм бўлиб, 2,1 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Жами хорижий кредитлар 203,2 млрд.сўм бўлиб, 21,4 млн. АҚШ долларни, шундан 20,3 млрд.сўм. Ҳукумат кафолати остидаги хорижий кредитлар бўлиб, 2,2 млн. АҚШ долларини, кафолатланмаган хорижий кредитлар 182,9 млрд.сўм бўлиб, 19,2 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

### **Асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг таркиби (2020 йилнинг январь–март ойларида)**

	млрд. сўм	млрд. сўм	
		давлат кафолати остида	тўғридан-тўғри ва бошқалар
Жами асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитлар	<b>546,7</b>	<b>20,3</b>	<b>526,4</b>
<i>шу жумладан:</i>			
давлат	16,6	16,6	-
нодавлат	530,0	3,7	526,4

Хисобот даврида Фарғона вилоят бўйича тўғридан – тўғри хорижий инветиция ва кредитлар 526,4 млрд.сўмни ташкил этиб, жами хорижий инвестиция ва кредитлардаги нодавлат секторига киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг улуши 99,3 фоизни ташкил қилди.

**Хорижий инвестиция ва кредитларнинг  
алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**  
(январь-март, умумий ҳажмга нисбатан, фоизда)



Хорижий инвестиция ва кредитларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича салмоқли қисмининг ўзлаштирилиши қайта ишлаш саноатига тўғри келиб 394,2 млрд. сўмни ташкил этиб, жами хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажмидаги улуши-72,1% ни, тоғ-кон саноатида – 61,9 млрд. сўмни ташкил этиб, жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 11,3%ни, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасида – 48,1 млрд. сўмни ташкил этиб, жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 8,8% ни ташкил этди.

Шу билан бирга, ахборот ва алоқа соҳасида 20,8 млрд. сўмни ҳамда қурилиш соҳасига эса 14,3 млрд. сўмни ташкил этди. Ушбу иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилиши 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан ортганлиги кузатилди.

## Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Уй–жой қурилишида 223,8 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ёки жами инвестициялар ҳажмининг 13,0 фоизини ташкил қилди.

### **2020 йилнинг январь–мартида янги қурилиш ва реконструкция ҳисобидан фойдаланишга топширилган туар–жой ва ижтимоий соҳа объектлари**

	<b><i>Барча манбалар ҳисобидан</i></b>			
	<b><i>фойдаланишга топширилди</i></b>		<b><i>2019 йил январь–март ҳолатига нисбатан фоизда</i></b>	
	<b><i>жами</i></b>	<b><i>шу жумладан қишлоқ жойларда</i></b>	<b><i>жами</i></b>	<b><i>шу жумладан қишлоқ жойларда</i></b>
<b>Уй–жой, умумий майдони минг.кв.м</b>	<b>255,3</b>	<b>177,4</b>	<b>104,2</b>	<b>97,1</b>
ундан:				
якка тартибдаги уй–жойлар	255,3	177,4	104,2	97,1
якка тартибдаги уй–жойлар намунавий лойиҳалар бўйича шаҳар ва қишлоқ жойларда	-	-	-	-
Касалхоналар, ётмоқ ўрни	-	-	-	-
Умумий таълим ва маҳсус мактаблар, ўқувчилар ўрни	-	-	-	-
Сув тармоқлари, км	22,0	20,0	50,0	46,4
Газ тармоқлари, км	3,0	3,0	187,5	187,5

2020 йил январь–март ойларида умумий майдони 255,3 минг кв.м. бўлган 1 383 та уй ёки 1 383 та квартира (2019 йилнинг январь–март ҳолатига нисбатан 104,2 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 177,4 минг кв.м. (97,1 фоиз) уй–жой фойдаланишга топширилди.

Коммунал қурилишда 22,0 км сув тармоқлари (20,0 км қишлоқ жойларда) ва 3,0 км. газ тармоқлари (3,0 км қишлоқ жойларда) ишга туширилиб, сув тармоқлари 2019 йилнинг январь–март ҳолатига нисбатан 50,0 фоизни ташкил этди, қишлоқ жойларда эса бу кўрсаткич 46,4% ни ташкил этди.

Касалхоналар, амбулатория – поликлиника муассасалари ва қишлоқ врачлик пунктлари тұулиқ фойдаланишга топширилмади шунингдек, умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни қуриш ва капитал реконструкция қилишга 9,8 млрд. сүмлик инвестициялар ўзлаштирилди.


Сув тармоқлари қурилишига 765,8 млн. сүм, шундан ахоли маблағлари ҳисобидан 765,8 млн. сүм (100,0 фоизи) ўзлаштирилди.

Газ тармоқлари қурилишига 80,0 млн. сүм, шундан ахоли маблағлари ҳисобидан 80,0 млн. сүм (умумий ҳажмнинг 100,0 фоизи) ўзлаштирилди.

## Қурилиш фаолияти

2020 йил январь–март ойларида 990,1 млрд. сүмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2019 йилнинг январь–март ҳолатига нисбатан 107,3 фоизни ташкил этди.

**Худудлар кесимида қурилиш ишлари ўсиш сурати, фоизда**



Худудлар кесимида қурилиш ишлари умумий ҳажмини кўрадиган бўлсак, Фарғона шахрида, 216,5 млрд. сүмлик қурилиш ишлари бажарилди, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 21,9 % (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 104,9%) ни ташкил этди. Кўқон шахрида 78,5 млрд. сүмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 7,9 % (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 99,5 %)ни, Қувасой шахрида 88,6 млрд сүмлик қурилиш ишлари бажарилди, (жами қурилишдаги улуши 9,0% ўсиш суръати 96,7%)ни, Марғилон шахрида 80,2 млрд сүмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 8,1%, ўсиш суръати 109,2%), Фарғона туманида 20,5 млрд сүмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 2,1%, ўсиш суръати 126,1%), Олтиарик туманида

40,3 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 4,1%, ўсиш суръати 87,8%), Қўштепа туманида 30,5 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 3,1%, ўсиш суръати 70,5%), Бағдод туманида 35,6 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 3,6%, ўсиш суръати 112,1%), Бешариқ туманида 25,1 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 2,5%, ўсиш суръати 46,3%), Бувайда туманида 30,8 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 3,1%, ўсиш суръати 168,2%), Данғара туманида 78,9 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 8,0%, ўсиш суръати 154,6%), Қува туманида 61,7 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 6,2%, ўсиш суръати 127,2%), Риштон туманида 15,1 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 1,5%, ўсиш суръати 61,6%), Сўх туманида 10,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 1,1%, ўсиш суръати 82,4%), Тошлоқ туманида 28,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 2,9%, ўсиш суръати 135,0%), Ўзбекистон туманида 35,4 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 3,6%, ўсиш суръати 194,6%), Учқўприк туманида 36,8 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 3,7%, ўсиш суръати 120,0%), Фурқат туманида 38,0 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 3,8%, ўсиш суръати 122,2%), Ёзёвон туманида 38,1 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 3,9%, ўсиш суръати 156,8%).

### **Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари таркиби**


	<b>январ–март</b>	
	<b>2019 й.</b>	<b>2020 й.</b>

<b>Қурилиш ишлари, млрд. сўм</b>	<b>780,1</b>	<b>990,1</b>
----------------------------------	--------------	--------------

*ишу жумладан:*

давлат	20,2	42,1
нодавлат	759,9	948,0

## Қурилиш ишларини мулкчилик шакллари бўйича қўриниши (январь–март, фоиз ҳисобида)



Мулкчиликнинг нодевлат шаклидаги қурилиш ташкилотлари томонидан 948,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 95,7 фоизини ташкил қилди.

Ҳисобот даврида Фарғона вилояти бўйича жами қурилиш ишлари ҳажми 990,1 млрд. сўмни, ундан нодевлат секторининг улуши 95,7 фоизни ташкил қилди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 67,2 фоизи янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва корхоналарни техник қайта қуроллантиришга, 32,8 фоизи эса капитал, жорий таъмирлашга ва бошқа қурилиш пурдат ишларига тўғри келди.

### Намунавий уй-жойлар

2020 йилнинг январь-март ойлари давомида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар фойдаланишга топширилмади.

**Фойдаланишга топширилган, намунавий лойихалар  
асосида қурилган уй-жойлар  
(2020 йил январ–март ойларида)**

	<i><b>Намунавий уй-жойлар</b></i>		
	<i><b>млн.сўм</b></i>	<i><b>сони</b></i>	<i><b>минг кв.м</b></i>
<b>Вилоят жами</b>	-	-	-
<i>шаҳарлар:</i>			
Фарғона	-	-	-
Қўқон	-	-	-
Қувасой	-	-	-
Марғилон	-	-	-
<i>туманлар:</i>			
Олтиариқ	-	-	-
Қўштепа	-	-	-
Бағдод	-	-	-
Бувайда	-	-	-
Бешарик	-	-	-
Қува	-	-	-
Учкўприк	-	-	-
Риштон	-	-	-
Сўҳ	-	-	-
Тошлоқ	-	-	-
Ўзбекистон	-	-	-
Фарғона т	-	-	-
Данғара	-	-	-
Фурқат	-	-	-
Ёзёвон	-	-	-